O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG’ONA VILOYATI
FURQAT TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ
ФУРКАТСКИЙ РАЙОН
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА

« 19 » 08 2019 yil № 3486 -sonli Navbahor shaharchasi

Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида тумандаги ҳар бир таълим муассасаларини худуд ва микрохудудларга бириктириш ҳақида

2019-2020 ўқув йили яқинлашиб келаётганлиги, худудлардаги аҳоли сонининг ўсаётганлиги, умумий ўрта таълим мактаблари қўшимча ташкил этилиб, янги рақамлар берилганлигини инобатга олган ҳолда мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш борасида худудларни аниқлаштириш зарурати келиб чиқмоқда.

Шу муносабат билан ҳамда туман Халқ таълими бўлимининг туман ҳокимлигига 2019 йил 23 июлдаги “Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсададида тумандаги ҳар бир таълим муассасаларини худуд ва микрохудудларга бириктириш тўғрисида”ги мурожаати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари ва Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Фурқат тумани туман Халқ таълими бўлими мудирининг 2019 йил 23 июлдаги “Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсададида тумандаги ҳар бир таълим муассасаларини худуд ва микрохудудларга бириктириш тўғрисида”ги мурожаати қаноатлантирилсин.

2. Туман Халқ таълими бўлими тасарруфидаги ҳар бир таълим муассасалари худуд ва микрохудудларга бириктириш жадвали иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қарор оммавий ахборот воситаларида расман эълон килинган кундан бошлаб қонуний кучга кириши белгилаб қўйилсин.

4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Абдуллаев ва туман Халқ таълими бўлими мудири А.Эрматовлар зиммасига юклансин.

Туман ҳокими : **Д.Ж.Солиев**

O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG’ONA VILOYATI FURQAT TUMANI HOKIMLIGI
BAYON QISMI

Туман хокимининг 2019 йил 2 августдаги
-сонли қарорига 1-илова

Туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги ҳар бир таълим муассасаларини ҳудуд ва микроҳудудларга бириктириш жадвали

№	Муассасалар	Ҳудуди
1	1-сонли умумтаълим мактаби	Навбахор МФЙ, Қушчи МФЙ (Хамраобод қишлоғи)
2	2-сонли умумтаълим мактаби	Мустақиллик МФЙ Истиқлол МФЙ, Янги МФЙ (Янги, Сурпа қишлоқлари)
3	3-сонли умумтаълим мактаби	Кўк дўппи МФЙ
4	4-сонли умумтаълим мактаби	Томоша МФЙ, Чек кўприк МФЙ
5	5-сонли умумтаълим мактаби	Томоша МФЙ (Қурултой қишлоғи), Қушчи МФЙ (Чекшариф қишлоғи)
6	6-сонли умумтаълим мактаби	Қушчи МФЙ (Қушчи қишлоғи)
7	7-сонли умумтаълим мактаби	Ардоҳшон МФЙ (Узунчек қишлоғи), Истиқлол МФЙ (Нўмонобод)
8	8-сонли умумтаълим мактаби	Чиркай МФЙ, Истилол МФЙ (Ўрикзор кўчаси)
9	9-сонли умумтаълим мактаби	Жангкетмон МФЙ
10	10-сонли умумтаълим мактаби	Қизилқиёқ МФЙ
11	11-сонли умумтаълим мактаби	Хайит МФЙ
12	12-сонли умумтаълим мактаби	Эшон МФЙ
13	13-сонли умумтаълим мактаби	Шунқор МФЙ (Шунқор қишлоғи), Тўрғай МФЙ
14	14-сонли умумтаълим мактаби	Кичик янги МФЙ
15	15-сонли умумтаълим мактаби	Катта янги МФЙ
16	16-сонли умумтаълим мактаби	Эски МФЙ (Эски шахарча), Капа қишлоғи), Болтакўл МФЙ (Болтакўл қишлоғи)
17	17-сонли умумтаълим мактаби	Чилгижийда МФЙ (Чилгижийда қишлоғи)
18	18-сонли умумтаълим мактаби	Қўқонбой МФЙ
19	20-сонли умумтаълим мактаби	Шойимбек МФЙ
20	21-сонли умумтаълим мактаби	Калдушон МФЙ, Чилгижийда МФЙ (Шотура қишлоғи)
21	22-сонли умумтаълим мактаби	Ингичка МФЙ (Ободон қишлоғи), Ўртақўрғон МФЙ (Ўртақўрғон қишлоғи)
22	23-сонли умумтаълим мактаби	Ингичка МФЙ
23	24-сонли умумтаълим мактаби	Кармак МФЙ
24	25-сонли умумтаълим мактаби	Ғунча МФЙ (Шўхай қишлоғи), Ўртақўрғон МФЙ (Қўрғонча қишлоғи)
25	26-сонли умумтаълим мактаби	Чекчуволдоқ МФЙ, Ғунча МФЙ (Сой бўйи махалласи)
26	27-сонли умумтаълим мактаби	Порвонтош МФЙ, Шўр МФЙ (Шўр,Гулистон, Чинобод, қишлоқлари)
27	28-сонли умумтаълим мактаби	Беш-оға МФЙ
28	29-сонли умумтаълим мактаби	Ғаллакор МФЙ
29	30-сонли умумтаълим мактаби	Шўр МФЙ (Тинчлик қишлоғи)
30	31-сонли умумтаълим мактаби	Болтакўл МФЙ (Султон қишлоғи)
31	32-сонли умумтаълим мактаби	Янги МФЙ (Кимсанабод қишлоғи)
32	33-сонли умумтаълим мактаби	Ардоҳшон МФЙ (Ардоҳшон, Шабода қишлоқлари)
33	34-сонли ИДУМ	Худуд белгиланмаган
34	35-сонли умумтаълим мактаби	Шунқор МФЙ (Ғирри қишлоғи)
35	36-сонли умумтаълим мактаби	Бекабод МФЙ